



# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси

TOSHKENT HAQIQATI

1928 йил 11 декабрда асос солинган

2005 йил 15 июнь, чоршанба

№ 48 (11.747)

Эркин нархда сотилади

Ўзбекистон Республикаси Президентининг  
ФАРМОНИ

## Бозор ислохотларини чуқурлаштириш ва иқтисодий янада эркинлаштириш соҳасидаги устувор йўналишлар амалга оширилишини жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида

Ўзбекистонда жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни ислох қилиш ҳамда модернизациялаш мақсад ва вазифаларини амалга ошириш юзасидан қабул қилинган Дастурни ижро этиш бўйича тузилган ишчи Комиссия томонидан бозор ислохотларини чуқурлаштириш ва иқтисодий янада эркинлаштириш соҳасидаги чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалда рўйга чиқариш борасида катта ишлар амалга оширилди.

Амалдаги қонун ва норматив ҳужжатларнинг иқтисодий таъминоти таҳлил қилинди. Жойларда бозор ислохотларини ривожлантириш ва чуқурлаштиришга тўқунлик қилаётган омилларни бартараф этиш ҳамда ушбу соҳада қабул қилинган Қонунларни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонлари ва Қарорлари, Ҳукумат қарорларини амалга оширишнинг самарали механизминини ишлаб чиқиш бўйича ишларнинг аҳоли ўрганилди.

Шундан келиб чиққан ҳолда, Қонунларнинг, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонлари ва Қарорлари, Ҳукумат қарорларининг, идоравий норматив ҳужжатларнинг янги лойиҳалари рўйхати тузилган бўлиб, улар тизимли асос

да иқтисодий ислохотларни янада чуқурлаштириш ҳамда иқтисодий эркинлаштиришнинг асосий мақсад, вазифа ва устувор йўналишлари рўйга чиқарилишини таъминлади.

Бозор ислохотларини чуқурлаштириш ва иқтисодий янада эркинлаштириш соҳасидаги устувор йўналишлар сўзсиз амалга оширилишини таъминлаш мақсадида:

1. Куйидагилар: тизимли асосда иқтисодий ислохотларни янада чуқурлаштириш ҳамда иқтисодий эркинлаштиришнинг асосий устувор йўналишлари рўйга чиқарилишини таъминлашнинг давлат ҳокимияти олий органлари, Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати, вазирликлар ва идоралар даражасида тасдиқланган лойиҳа бўлган қонун ҳужжатлари ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар рўйхати (1-иловага мувофиқ);

янги қонун ҳужжатлари қабул қилиниши муносабатин билан ўз кучини йўқотган деб ҳисобланиши лозим бўлган қонун ҳужжатлари ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, шунингдек ўзгариш ва қўшимчалар киритилиши лозим бўлган ҳужжатлар рўйхати 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Жамиятнинг демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни ислох қилиш ҳамда модернизациялаш мақсад ва

вазифаларини амалга ошириш Дастурини ижро этиш бўйича қонун ҳужжатлари ҳамда норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар (3-иловага мувофиқ) қабул қилинганлиги ва амалда рўйга чиқарилаётганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

3. Жамият ҳаётининг барча томонларини эркинлаштириш ва янада ислох қилиш ҳамда маъмурий ислохотни амалга ошириш соҳасида қонунчилик базасини такомиллаштириш бўйича фаолиятни мувофиқлаштириш комиссияси (Р. Азимов);

белгиланган мuddатларга мувофиқ 1-иловадаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг сифатли ишлаб чиқиши ва келишиб олиниши таъминлаш ҳамда уларни белгиланган тартибда давлат ҳокимияти олий органлари ва Ҳукуматга тасдиқлаш учун тақдим қилинсин; ушбу Фармонда кўзда тутилган янги Қонунлар лойиҳалари тайёр бўлишига қараб уларни белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига тақдим этиш учун Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг муҳокамасига киритсин;

ишлаб чиқилаётган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда уларни амалга оширишнинг аниқ-пухта механизмларини албатта назарда тутиш; зарур ҳолларда, иқтисод

ий ислохотларнинг мақсад, вазифа ва асосий устувор йўналишларидан келиб чиққан ҳолда, ишлаб чиқиши, ўзгаришлар киритилиши ёки ўз кучини йўқотган деб ҳисобланиши лозим бўлган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг рўйхатларига қўшимчалар киритсин.

4. Вазирлар Маҳкамаси, вазирликлар, давлат қўмиталари ва идоралар, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари: мазкур Фармонга мувофиқ қабул қилинадиган қонун ҳужжатлари ижро этилишини қаттиқ назорат остига олсинлар;

ўз даражаларида қабул қилинадиган норматив ҳужжатларнинг мазкур қонун ҳужжатларига мувофиқ бўлишини таъминласинлар.

5. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги: қонун ҳужжатлари ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг лойиҳаларини белгиланган тартибда келишиб олиш ҳамда давлат ҳокимияти олий органлари ва Ҳукуматга киритиш таомилдан ўтиши устидан мониторинг ўрнатсин;

норматив-ҳуқуқий ҳуж

жатларнинг лойиҳалари юридик экспертизадан ўтказилишини, шунингдек ушбу Фармонда кўзда тутилган идоравий норматив ҳужжатларда белгиланган тартибда ўз вақтида рўйхатга олинишини таъминласин;

вазирликлар ва идоралар, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ўзларининг норматив ҳужжатларини қабул қилинадиган қонун ҳужжатларига ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга мувофиқлаштиришлари устидан назорат ўрнатсин.

6. Вазирлар Маҳкамаси, республика давлат ва ҳўжалик бошқаруви органлари, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоят, шаҳар ва туманлар ҳокимликлари қабул қилинган қонун ҳужжатларининг барча даражаларда амалда рўйга чиқарилишини таъминласинлар, токи умуман мамлакат иқтисодиёти ва ҳар бир фуқароси амалга ошириладиган иқтисодий ислохотларнинг аниқ ижобий натижаларини ҳис этсин.

7. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари Р.С.Азимов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси  
Президенти  
И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри, 2005 йил 14 июнь.

Пилла — 2005



## ВИЛОЯТ ПИЛЛАКОРЛАРИНИНГ МУВАФФАҚИЯТИ

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси пиллачилик соҳасини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» 118-сонли қарорининг ижросини тўла тўлиқлаш учун илқ кўртни парваришда агротехникани янги йўлга такомиллаштириш борасида вилоятнинг пиллакорлари муҳим санат хом ашёни етиштириш топширигини республикада биринчи бўлиб бажардилар.

Бундай муваффақият ўз-ўзидан келмайди, албатта. Ҳар қандай ютуққа тинимсиз изланиш, интилиш, фидокорона меҳнат орқали эришилади. Вилоятимиз пиллакорларининг бу йилги улкан меҳнат зафарлари ҳақида гап борганда, аввало, унинг замирида учта муҳим омил ётганлиги алоҳида таъкидлаш жоиз. Биринчидан, кейинги йилларда пиллачиликнинг энг муҳим шарти — озуқа базасини мустаҳкамлаш мақсадида аниқ режа бўйича амалий чоралар қўрилиди. Бугунги кунга келиб, вило-

ятда мўл ва сифатли барг берадиган тўтзорлар 3450 гектарга етказилди. Бундан ташқари 7 миллион 200 минг тулга яқин йирик яқна тут дарахтларига ҳар йили шакл бериб, парвариш қилинмоқда. Яратилган ушбу озуқа базаси пилла етиштириш юзасидан бериладиган топшириқни тўла ва ортиги билан бажариш учун беамал етди. Бироқ, бу билан хотиржамликка

берилмай, ҳар йили режа асосида янги тўтзорлар барпо этилиб, яқна тут кўчатлари экиб боришмоқда. Хусусан, шу йил куз ва келгуси йилнинг кўламада 300 гектарга яқин янги тўтзорлар барпо этиш учун хозирдан пухта замин яратилмоқда.

Иккинчидан, кейинги йилларда қўртхоналарни мавсум бошланғичидан анча илгари танлаш, тайёрлаш ва мукамал жиҳозлашга алоҳида эътибор қаратилаётгани илқ қўртларнинг парвариш даврида касалликларга чалинмай, нобудгарчиликсиз, яъни пилла ўраш учун тўлиқ

(Давоми 3-бетда).

СУРАТДА: Уртачирчиқ туманидаги «Гулистон» ширкат ҳўжалигининг ҳар қўти уруғдан 75 килограмдан кўмуш тола огаган пиллакорлари Ҳалима Турдиева ва Марҳўба Асанова.

Биз ҳеч кимдан кам эмасмиз

## ДўСТ ИҒВОГА УЧМАЙДИ

Маҳалламизда ўтаётган бир маъракада ҳозир кўксиди гаштини сураётган Самар ота Иноғомов айтган гап кўнглимиздаги чўни гуриллатиб юборди.

— Болаларим, ёшим 80 дан ошди. Одамзод яралибдики, ўз орзу ҳаваслари йўлида дастурхон тўзайди. Демокриманки, авваллари ҳам яхши кунлар шўкронасига ёзилган дастурхон теваганидаги насибамизни еб-ичганимиз. Аммо маърака ёки тўйда ўрнимиздан туриб кетаётганимизда дастурхон бўшаб қоларди. Агар эътибор бераётган бўлсангиз, ҳозир оддий, ўртаҳол одамларнинг йилгига бериб, еб-ичиб, туриб кетаётганимизда гўё дастурхонга қўл урилгандек тўюлади менга. Бунинг сабабини биласизларми, юртимизга кут-баракка ёзилган. Одамларнинг кўзи тўқ бўлиб борапти. Бундай кунларнинг қадрига етмасак, шак келтирган бўламиз.

Отaxon ҳақ гални айтдилар. Лекин минг афсуски, Самар ота айтган кут-баракамизни, тинчлигимизни кўрламаётганлар бугун Андижон воқеасини баҳона қилиб бошимизга иғво ва бўҳтон ёғдирилмоқдалар. Аммо осмонга қараб турурганлар аввал ўз бетларини булгайди. 13 майдан бошлаб, шаънимизга маломат қилаётганларнинг асл башараси очилиб бормоқда. Чунки, чет элларда истиқомат қилаётган тийрак назарли инсонлар ҳам, мустақил диноримизнинг турфа миллатли фуқаролари ҳам дилларидидаги бор ҳақиқатни тўкиб солаётдилар. Зеро, имон-эътиқодда собит одам кўриб-билиб туриб, ёлгон гапирар олмайди. Шу маънода тошкентлик пенсионер Анфим Хлизовнинг «Уйдирмалар тарқатишдан мақсад нима?» мавзусидаги хати халқимизнинг дилидаги ҳақиқатнинг ақсу садоси бўлиб жаранглади.

Айни пайтда ушбу мактубда кўйилган саволлар ҳақиқат

овози бўлиб жаранглайди. Бу саволларни такрор-такрор ўзинга берасан. Нима учун юрт душманларининг таъналарини жим эшитишимиз керак, деган ўй кўнглини кемиради. Фарзандидан айрилган онанинг йилгисига қараб, миллатини ажратиб бўлмайди. Ер юзининг қайси бурчагида бўлмасин, бошига мусибат тушган оналар бир хил бўзлайдилар. Болалар ҳам худди шундай. Шу боис тинч кунларнинг қадрига етиш ва уни асрашга шу Ватанда нафас олаётган ҳар бир одам масъул. Аввало, дамлаб кўйган овини сузиб ейиш, ёпиб қўйган ноини тандирдан узиб олиш, подадан кайтган сисирни соғиб олиш учун ҳам хонадада хотиржамлик зарур. Кўзини чаггаллаб турган инсоннинг кўнглида ҳеч нарса синамайди.

Бизнинг хурлигимизни, озолигимизни кўрламаётганлар ҳеч қачон оғиримизни енгил қилиб бермайди. Аксинча, улар кўзимизга чўп солиш учун пайт пойлайди. Содик дўст эса иғвога учмайди. Ёлғонга ишонмайди. Эл-юртининг тинчлигини унинг сado-қатли фарзандлари асрайди. Содик дўстлари эса асраш учун кўмак беради.

Ҳар кўнглининг тинч кўзуси, Боболарнинг асрай орузуси.

Озоликнинг ором ширин, Озод инсон калом ширин.

Ҳураликни Ҳақ хуш кўрай азал, Хурраликнинг бекати гўзал.

Гўзалликни асраш шартин бор, Янаш керак ҳаммаша бедор.

Маҳмуд ТОИРОВ,  
Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси вилоят бўлими раҳбари.

муруватларига муҳтож эмас. Юртбошимиз айтганларидек, ўзбек халқи ҳеч қачон ҳеч кимга қарам бўлмайди. Ҳар бир инсон англаб етиши зарур бўлган оддий ҳақиқат мавжуд. Ёмғир одамзод бошига миллат танлаб ёлганлиги каби кулфат ҳам, ўк ёмғири ҳам одам танламайди. Фарзандидан айрилган онанинг йилгисига қараб, миллатини ажратиб бўлмайди. Ер юзининг қайси бурчагида бўлмасин, бошига мусибат тушган оналар бир хил бўзлайдилар. Болалар ҳам худди шундай. Шу боис тинч кунларнинг қадрига етиш ва уни асрашга шу Ватанда нафас олаётган ҳар бир одам масъул. Аввало, дамлаб кўйган овини сузиб ейиш, ёпиб қўйган ноини тандирдан узиб олиш, подадан кайтган сисирни соғиб олиш учун ҳам хонадада хотиржамлик зарур. Кўзини чаггаллаб турган инсоннинг кўнглида ҳеч нарса синамайди.

Курмак чиққан каби ошиндан, Душман чўксига ичу ташиндан.

Тулар сени гафлат чўрмаси, Туларингизга Ватан кирмаси.

Замин гувоҳ, шу осмон гувоҳ, Асраганини асрайди Оллоҳ!

Маҳмуд ТОИРОВ,  
Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси вилоят бўлими раҳбари.

Мана, бир ойдан ошдики, виждони тоза, орзу-умидли кишилар ҳаёлини Андижон фожiasi қамраб олди. Бу — табиий, албатта. Ватаним, элим, юртим деб яшайдиган инсон зоти борки, тинчлигини ўйлайди, осойишта меҳнат қилиб, хотиржам яшасам дейди.

## НАВБАТДАГИ УЙДИРМА ХОЛОС

Андижонда эса бутун бир мамлакат тинчлигига, бутун бир давлат суверенитетига, бутун бир мамлакатнинг тинч-осуда ҳаётига ёвузларча хуруж уюштирилди. Дунёдаги хилма-хил «овозлар», ранг-баранг матбуот нашрлари бу воқеалар атрофида турли уйдирмаю бўҳтонларни тарқатаётди. Улар унча-мунча одамнинг онгини қарақ қилиб қўяди, юрагига гулгула қўяди.

Бундай ҳолда воқеани, унинг илдишларини аниқ англаб етиш оғир. Пенсия оғир Анфим Хлизовнинг «Уйдирмалар тарқатишдан мақсад нима?» сарлавҳали мақоласи бу масалага кўп даражада ойдинлик киритди. Ундаги ҳолисона мулоҳазалар, салмоқли саволлар турли «овозлар»нинг уйдирмаларини чиппака чиқарди.

Ҳарб оммавий ахборот воситаларининг аксарияти мамлакатимизда амалга ошириб келинадиган туб янгиликни, қўламли ислохотлар жараёнларини ўз қўлиларига солиб акс эттиришлари кўндан кўн бўлиб келибди. Андижон воқеалари теварагида янги уйдирмалар бунга яна бир бор тасдиқлади. Улар ҳар бир воқеа-ҳодисаларни ўз мақ-

ларни кўрган, ўша қонли воқеаларга гувоҳ бўлган одамлар тўхматдан иборат уйдирмаларни фoш қилишмоқда. Хориждаги виждонли, диёнатли сиёсатчилар ҳам ўз оқилона мулоҳазалари билан бу мафкуравий хуружларни бартараф этишда бизни қўллаб-қувватламоқдалар.

Аммо, ўз манфур мақсадларини рўйга чиқаришга интилиб, кўн-кўнжимизни пуч ёнғоққа тўндириб юрган кечаги «дўстларимиз» бугун тўнларини тескари кийиб олишарди. Уларнинг тўхматлари аслида Андижонда қуролли хуружларни ташкил этган ва амалга оширган экстремистлар, диний ақидапарастларнинг ёвузликларидан қўлишмайди. Дўст бошга иш тушганда синалади, деганларни шуда.

Шу маънода Анфим Хлизовнинг тахририятга хати Андижонда юз берган машўм воқеаларнинг илдишларини очиб, моҳиятини тушунтириб берди. Дарҳақиқат, Андижон воқеаларининг тафсилотини ойдинлаштириш осон эмас. Айни шу жараёнда хорижийнинг баъзи оммавий ахборот воситалари бири оляб, бири қўйиб, юртимизга бўҳтон ёғдиришдан асло чарчамаетир. Улар бу қилгилликлар билан гарбона демократиянинг ҳақиқий башарасини очиб қўяётганларини фикрли одамлар тушуниб, илғаб олишарди. Бу гал ҳам шундай бўлиши шўбҳасиз. Чунки, ҳақиқат букилади, лекин асло синамайди.

Андижондаги машўм воқеалардан кейин ўтган вақт мубоинида ҳар турли «овозлар» унинг теварагида жазавани тўхтатишмаётди. Лекин биламизки, бўҳтон гапларнинг умри қисқа бўлади. Қандай бўлмагур гаплар тўқилмасин, бўлиб ўтган ҳодиса-

ларни кўрган, ўша қонли воқеаларга гувоҳ бўлган одамлар тўхматдан иборат уйдирмаларни фoш қилишмоқда. Хориждаги виждонли, диёнатли сиёсатчилар ҳам ўз оқилона мулоҳазалари билан бу мафкуравий хуружларни бартараф этишда бизни қўллаб-қувватламоқдалар.

Аммо, ўз манфур мақсадларини рўйга чиқаришга интилиб, кўн-кўнжимизни пуч ёнғоққа тўндириб юрган кечаги «дўстларимиз» бугун тўнларини тескари кийиб олишарди. Уларнинг тўхматлари аслида Андижонда қуролли хуружларни ташкил этган ва амалга оширган экстремистлар, диний ақидапарастларнинг ёвузликларидан қўлишмайди. Дўст бошга иш тушганда синалади, деганларни шуда.

Шу маънода Анфим Хлизовнинг тахририятга хати Андижонда юз берган машўм воқеаларнинг илдишларини очиб, моҳиятини тушунтириб берди. Дарҳақиқат, Андижон воқеаларининг тафсилотини ойдинлаштириш осон эмас. Айни шу жараёнда хорижийнинг баъзи оммавий ахборот воситалари бири оляб, бири қўйиб, юртимизга бўҳтон ёғдиришдан асло чарчамаетир. Улар бу қилгилликлар билан гарбона демократиянинг ҳақиқий башарасини очиб қўяётганларини фикрли одамлар тушуниб, илғаб олишарди. Бу гал ҳам шундай бўлиши шўбҳасиз. Чунки, ҳақиқат букилади, лекин асло синамайди.

Андижондаги машўм воқеалардан кейин ўтган вақт мубоинида ҳар турли «овозлар» унинг теварагида жазавани тўхтатишмаётди. Лекин биламизки, бўҳтон гапларнинг умри қисқа бўлади. Қандай бўлмагур гаплар тўқилмасин, бўлиб ўтган ҳодиса-

ларни кўрган, ўша қонли воқеаларга гувоҳ бўлган одамлар тўхматдан иборат уйдирмаларни фoш қилишмоқда. Хориждаги виждонли, диёнатли сиёсатчилар ҳам ўз оқилона мулоҳазалари билан бу мафкуравий хуружларни бартараф этишда бизни қўллаб-қувватламоқдалар.

Вилоят ҳокимлигида

## ЁЗГИ МАВСУМ БОШЛАНДИ

Тошкент вилоят ҳокимлигида болаларни ёзда дам олдириб ва соғломлаштириш ташкил этиш масалаларига бағишланган йилгиш бўлиб ўтди. Унда вилоят бошқармалари ва бўлимлари, болалар оромгоҳлари, касабга уюшмалари вилоят идораларининг раҳбарлари иштирок этишди.

Йилгилини Тошкент вилоят ҳокимининг ўринбосари Адиба Аҳмаджонова бошқарди. Болаларни ёзги дам олдириб ва соғломлаштириш борасида белгиланган режаларни амалга ошириш, оромгоҳларни мавсумга ҳар жиҳатдан тайёрлаш, дам олувчиларга тиббий, маданий ва бошқа хизматларни кўрсатиш, транспорт, алоқа ва бошқа воситалар билан таъминлаш масалалари теварагида фикр алмашилди.

Бу мавсумда вилоят касабга уюшмаларига қарашли 15 та ёзги оромгоҳ, мактаб ва коллежлар хузуридаги 39 та оромгоҳда болаларни дам олдириб қиришмоқда. Жами 24 минг 900 болла уларда дам олдириб, соғломлаштирилади.

«Орзу», «Тонг», «Сумча», «Сойлик», «Йўлчи» болалар оромгоҳларида ёзги мавсум бошланди. Уларнинг кўнчилигида Оролбўйи минтақасининг болалари ҳам соғломлаштирилмоқда.

Шунингдек, оромгоҳларда тарбиявий, маънавий-маданий, спорт ишларини ташкил этиш масалалари ҳам кўриб чиқилди. Болаларга тиббий ёрдам кўрсатиш, бошқа хизматларни ташкил этиш, озодалик ва санитария талабларига риоя этиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

Йилгилида муҳокама қилинган барча масалалар юзасидан аниқ вазифалар белгилаб олинди.

Н. ИКРОМОВА.

## «СЕВИМЛИ ЎЙИНЧОҚ» ТАНЛОВИ

Янгиўй шаҳридаги болалар боғчалари ўртасида «Севимли ўйинчоқ» кўрик-танлови бўлиб ўтди. У шаҳар «Соғлом авлод учун» жағмармаси ҳамда халқ таълим бошқармаси ҳамкорлигида ташкил этилди. Танловда фахрли биринчи ўринни 6-ҳамда 8-сонли болалар боғчаларининг жажжилари эгаллашди. Кейинги ўринлар 5- ва 13-болалар боғчаларининг жамоаларига насиб этди. Хуруида НАЗАРОВА.



# ВИЛОЯТ ПИЛЛАКОРЛАРИНИНГ МУВАФФАҚИЯТИ

кириши таъминланмоқда. Масалан, бу йил виллоят бўйича жами 21023 қути қурт уруғи олдидан танланган ва шартнома тузилган 16 мингга яқин хонадонга тарқатилди. Хар бир хонадонга ўртача 1,3 қутидан қурт уруғи тўғри келгани учун уларни ҳам йиғиб, ҳам тўғридан боқиб икониётга эга бўлинди. Бундан ташқари, виллоят «Пилла» акциядорлик бирлашмаси ҳамда унинг туманлардаги бўлимларида тузилган махсус ишчи гуруҳлари аъзолари қурт боқадиган хонадонларда бевосита бўлишиб, маслаҳат ва кўрсатмалар беришди, юзга келадиган муаммо ва камчиликларни жойида бартараф этиб, пиллакорларга амалий ёрдам бериб бордилар. Бу эса биринчи навбатда пилланинг ҳар йилгидан сифатли бўлишига замин яратди.

сўмдан нақд пул ва қўшимча озиқ-овқат маҳсулотлари олдидлар. Мавсум олдидан ва парваршиш даврида кўрсатилган гамжўрлик ва амалий ёрдам ўз самарасини берди. Виллоятда 13 июнь ҳолатига топшириқдаги 1140 тонна ўрнига 1142,8 тонна сифатли саннат хом ашёси тайёрланиб, Республика Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 5 апрелдаги «Ўзбекистон Республикаси пиллачилик соҳасини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 118-сонли қарори барвақт ва ортиги билан бажарилди. Юқорида таъкидланганидек, ана шу ҳосилнинг 90 фоизидан кўпроги юқори навларга қабул қилинди. Виллоят бўйича ҳар қутидан олинган кумуш тола ўртача 54,3 килограммданга тўғри келди.



Хосилдорлик ҳақида гап борганида, Бекобод туманидаги Навоий номи, «Хос», Оққўрғон туманидаги Навоий номи, «Ўзбекистон», Сегибобоев номи, Бўқо туманидаги «Ачамайли», Навоий номи ширкат ҳўжаликлари эришган натижаларни алоҳида тилга олиш жоиз. Бу ҳўжаликларнинг пиллакорлари ўртача хосилдорлиги 62-71 килограммга етказдилар.

Топшириқ ортиги билан адо этилган бўлсада, виллоятда пилла терими давом этмоқда. Хусусан, Бўстонлик, Охангарон, Юқоричиқ туманларида қабул пунктлари кунига 3-4 тонна, виллоят бўйича эса 10 тоннадан ортиб кумуш тола топширилмоқда.

**Абдусамад Йўлдошев,**  
«Тошкент ҳақиқати» мухбири.

Ва ниҳоят, учинчи омил — қурт боқувчиларни моддий рағбатлантиришга оқилона ёндашилгани ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлди. Виллоят бўйича пиллакорларга мавсум олдидан 225 миллион сўм бўнак пули тарқатилди, 224 миллион сўмлик керакли ашёлар етказиб берилди. Шунингдек, жойларда ҳар бир ҳўжалик ўз имкониётларидан келиб чиқиб, бепул ун, бугдоя, пахта ёғи тарқатди. Шундай қилиб, пиллакорлар ҳар қути уруғ ҳисобига ўртача 10 минг

сўмдан нақд пул ва қўшимча озиқ-овқат маҳсулотлари олдидлар. Мавсум олдидан ва парваршиш даврида кўрсатилган гамжўрлик ва амалий ёрдам ўз самарасини берди. Виллоятда 13 июнь ҳолатига топшириқдаги 1140 тонна ўрнига 1142,8 тонна сифатли саннат хом ашёси тайёрланиб, Республика Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 5 апрелдаги «Ўзбекистон Республикаси пиллачилик соҳасини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 118-сонли қарори барвақт ва ортиги билан бажарилди. Юқорида таъкидланганидек, ана шу ҳосилнинг 90 фоизидан кўпроги юқори навларга қабул қилинди. Виллоят бўйича ҳар қутидан олинган кумуш тола ўртача 54,3 килограммданга тўғри келди.

(Давоми. Боши 1-бетда).

## Олмалик шаҳар халқ таълими бўлимида узлуксиз услубий хизмат кўрсатиш жамоатчилиги маркази иш бошлади.

**МАРКАЗ ИШ БОШЛАДИ**  
Бундан мақсад ёғи таътил мобайнида шаҳарда фаолият олиб бораётган ўқитувчиларни ўз йўналишлари бўйича малака оширишларига қулайлик яратишдир. Эндиликда ҳар бир мактаб ўқитувчилари жадал бўйича мазкур марказда икки ой давомида малака ошириб, янги услубийларни ўрганиб, Марказ замонавий техникалар билан жиҳозланган бўлиб, интернет билан ишлаш имконияти ҳам мавжуд.

Дано ҚАМАРИДИНОВА.

## КАСБ УЧУН 150 МИНГ СЎМ

«Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Юқоричиқ туман кенгаши ёшларни касбга йўналтириш, уларни соғлом турмуш талаблари асосида тарбиялаш борасида хайли ишларни амалга оширмоқда. Жумладан, кенгаш кам таъминланган оилаларнинг фарзандлари ва боқувчисини йўқотган болаларнинг 10 нафари қурилиш-иқтисодиёт касб-хўнара коллежидида таълим олишига қўмақлаштиради. Улар кириш имтиҳонларига махсус курсларда тайёрланишлари учун 150 минг сўм маблағ ажратилди. Шунингдек, яна ун нафар болани имтиҳонларга тайёрлаш учун шундай маблағлар ажратиб режалаштирилмоқда.

Фаррух НУРМУҲАМЕДОВ.

## Боғ яратган болалар

Ангрндаги 29-мактаб воҳадаги илк ташкил этилган билим маскани бўлиб, унда 1070 ўқувчи таълим олмақда. Мактабда амалий машғулотлар яқунланган бўлсада, дастур бўйича жўрофия ва биология фанлари бўйича тажриба майдончаларида яшиллик оламини асраш ва бойитиш, экинлар ва қўчаларни парвартириш каби мавсумий ишлар давом этмоқда. Шуниси таҳсинга сазоворки, ўқувчилар кучи билан баҳорда тошлоқ ер ўрнида қўшимча янги боғ барпо этилган эди. Ундаги ўрик, ёнғок, олма ниҳоллари барваж ривожланмоқда. Мактабда ёғи соғломлаштириш маркази ҳам ташкил этилган. Унда таътил давомида 3 босқичда жами 300 нафар бола дам олиб, саломатлигини тиклайди.

Ўз мухбиримиз.

# Olamdagar? nimagar?

## ТЕҲРОНДАГИ ПОРТЛАШЛАР

Эронда террорчилик ҳаракати содир этилди. Яқшанба кун кечқурун пойтахт Теҳронда бир вақтнинг ўзиде уч марта портлаш ўш берди. ПАТА-ТАСС хабарига қараганда, портлашлардан бири имом Хусайн майдонида амалга оширилган. Оқибатда икки киши қурбон бўлган ва уч киши оғир жароҳатланган. Қолган икки қўпоровчилик Теҳроннинг Вали Аср ва Ваҳидия ас-Саъдий билан бирга жангарилар томонидан ўғирлаб кетилди ва 157 кун давомида гаровда ушлаб турилди. Бу вақт мобайнида жангарилар ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралари мазкур жиноят юзасидан тергов-суриштирув ишларини бошлади. Маълумотларга қараганда, Эрон хавфсизлик кучлари томонидан бу террорчиликнинг содир этишда гумон қилинган бир неча киши ҳибсга олинган. Яқинда Эроннинг Ахваз шаҳрида юз берган портлашлар оқибатида саккиз киши ҳаётдан кўз юмган ва етмишга яқин одам турли даражада жароҳатланган эди. Бу воқеа мамлакат ички ишлар вазирлиги томонидан террор хуружи сифатида баҳоланди.

Эрон миллий хавфсизлик кенгаши расмий вакили Али Оға Мўхаммадийнинг фикрича, террорчилик ҳаракатларини содир этганлар мамлакатга қўшни Ироқдан кириб келган бўлиши мумкин. Эронда президент сайловига тайёргарлик давом этаётир. Расмий Теҳрон, террорчиларнинг мақсади мазкур сиёсий тадбирни барбод қилишига қаратилган, деб ҳисобламоқда. **Жасур КЕНГБОВЕВ,** ЎЗА.

## ГАРОВДАГИ ФРАНЦУЗ ЖУРНАЛИСТИ ОЗОД ЭТИЛДИ

Ироқда жангарилар томонидан гаровга олинган французиялик журналист Флоранс Обена озод этилди. Утган яқшанба кун уни Францияда ҳукумат раҳбарлари ҳамда жамоатчилик вакиллари қутиб олди. Маълумотларга қараганда, Ф.Обена Франциянинг «Либерасьон» газетаси махсус мухбири сифатида 2004 йил декабрда сайловолди жараёнида Францияни ёритиш мақсадида Ироққа келган. Жорий йил 5 январда журналист ўз таржимони Хусайн ас-Саъдий билан бирга жангарилар томонидан ўғирлаб кетилди ва 157 кун давомида гаровда ушлаб турилди. Бу вақт мобайнида жангарилар ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идораларга Ф.Обенанинг ўз мамлакатига ҳукуматидан ёрдам сўраб мурожаат этгани тасвирланган иккита видеолаваҳа юборганди. Март ойида Франциянинг ўша вақтдаги бош вазир Жан-Пьер Раффарен гаровдаги фуқарони озод этиш бўйича жангарилар билан алоқа ўрнатилганга эришилганини маълум қилди. Франция ҳукумати гаровдаги журналист тўлов эвазига озод бўлини тўғрисидаги маълумотларни рад этди. Ҳозир

Ф.Обена мамлакат хавфсизлик хизмати вакиллари томонидан гаровга олиниш ҳолатлари юзасидан тергов қилинаётир. Таъкидламоқ жоиз, Ироқда хоржик фуқароларини гаровга олиш билан боғлиқ жиноятлар кўчишиб бормоқда. ПАТА-ТАСС ахборот маҳамаси тарқатган хабарга қараганда, айни вақтда 13 нафар чет мамлакат фуқароси Ироқ жангарилари қўлида асирда. Утган йили гаровга олинган 150 дан зиёд ахжабийнинг ўндан ортиги ҳалок бўлган. **Ахмад НАЗАРОВ,** ЎЗА шарҳловчиси.

## Қонун ва ижро

# ТАБИЙ БОЙЛИКЛАРИМИЗ ҚАДРИГА ЕТАЯММИЗМИ?

Ер, сув, ўрмон, ер ости бойликлари, атмосфера ҳавоси, ҳайвонот ва ўсимлик дунёсини муҳофаза қилиш, улардан оқилона фойдаланиш ислохотларнинг муваффақиятини таъминлашнинг асоси, Ўзбекистоннинг буюк келажagini барпо этишнинг муҳим шартидир. Бу жараёнларда «Табиати муҳофаза қилиш тўғрисида»ги Қонун талаблари қандай бажарилмоқда? «Тошкент ҳақиқати» мухбири шу савол билан виллоят прокуратураси бўлимининг прокурори, адлия қотта маслаҳатчиси Муҳиддин Мусаевага мурожаат қилди.

— Виллотимизда табиати муҳофаза қилиш, унинг неъматлари ва бойликларидан халқимиз турмуш даражасини, мамлакатимиз иқтисодий қудратини ошириш йўлида оқилона, асраб-авайлаб фойдаланиш борасида изчил иш олиб борилаётир. Аслини олганда, бу йўналишда барча давлат ва ҳўжалик идоралари, жамоат ташкилотлари шуғулланаётир.

Лекин табиатни авайлаб-асраш, атроф-муҳит мусаффолигини сақлаш тўғрисидаги қарор, қонун, шунингдек, меъёрий ҳужжатларда белгиланган тартиб-қоидалар ва талабларга риоя қилиниши усталадан бевосита назоратини амалга ошириш табиатни муҳофаза қилиш идоралари зиммасига юклатилган. Улар фаолияти шунки кўрсатадики, ўтказилаётган текширишлар бўлма йил сайин кенгайиб бормоқда. Чунончи, сўнгги икки йилда бу идоралар текширган қорхона ва ташкилотлар 237 тадан 368 тага кўнайд.

Айни пайтда табиати муҳофаза қилиш, экологик назоратни амалга ошириш ишлари муттасил тақомиллаштириб борилаётир. Чунончи, чет эллардан олиб келинаётган ва хоржга олиб чиқилаётган маҳсулотларни экологик сертификатлаш йўлга қўйилди. Бу сертификат бўлими ходимлари ҳам экспорт-импорт, ҳам маҳсулот ишлаб чиқариш жараёнлари устидан назоратни амалга ошираётир. Бўлим ходимлари томонидан қисқа муддатда ҳўжалик субъектларига 76 та экологик сертификат берилди. Шуниси қувонарлики, бу ҳужжатларнинг учдан икки қисми маҳсулот ишлаб чиқариш учун олинган.

Утган йили табиий бойликлардан фойдаланишдан аввал қўриб чиқиш учун 145 та лойиҳа ҳужжатлари тақдим этилди. Экологик экспертиза бўлими уларни ўрганиб чиқиб, 17 та лойиҳа юзасидан рад жавоби берди. Лекин шунга айтиш керакки, бир қатор ҳўқимликлар ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш режаларини тасдиқлаш чоғида табиат муҳофазаси, экологик муҳит соғломлиги масалаларини айрим ҳолларда эътиборга олмаётирлар. Бу қорхона, иншоотлар, транспорт воситаларини режалаштириш, қуриш ва улардан

виллоят «Сувоқава» ишлаб чиқариш қорхонасида 328 миллион сўмлик ташкилий-техникавий тадбирлар ўтказилмасдан қолди.

Чирчиқ дарёси сувини муҳофаза қилиш, қирғоқбўйи майдонини белгилаш, 21 та иншоотни дарё бўйи минтақасидан кўчириш борасидаги қарорлар ҳам сўст бажарилмоқда. Белгиланган 10 та иншоотни кўчириш пайсалга солиб келинаётир. Унта иншоотни хавфсиз жойга олиб ўтиш, уларнинг дарё сувига таъсирига барҳам бериш кечиктириб юборилапти.


«Ер ости бойликлари тўғрисида», «Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш тўғрисида»ги қонунларга риоя қилаётган ҳўжалик субъектларига нисбатан амалий чоралар қўрилаётир. Чунончи, 206 та саннат қорхонаси, қурилаётган иншоотлар ва қисми ҳозир қуриб битказилган фойдаланаётган ташкилотларга 2,5 миллион сўмлик жарима солинди. Охангарон ва Бекобод ғишт заводлари, Зангиота туманидаги рубероит ишлаб чиқариш қувватининг фаолияти табиатга салбий таъсирини бартараф этиш чоралари қурилмағунча тўхтатиб қўйилди.

Утказилган текширишлар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тасдиқлаган атроф-муҳитни муҳофаза қилиш дастури кўнгидагидек бажарилаётганлигини кўрсатди. Янгиёйил шаҳрида маший чикиндиларни қайта ишловчи завод лойиҳасини амалга ошириш, Ойбек ва Ғиштқўприк йўл ҳаракати хавфсизлиги бўлимлари қошида экологик назорат постлари қурилиши, Янгиобод шаҳри яқинидаги айрим участкаларда радиация ҳолатини соғломлаштириш юзасидан белгиланган чора-тадбирларнинг бажарилиши кечиктириб юборилапти.

Утказилган текширишлар мобайнида табиати муҳофаза қилиш нозирлари фаолиятида ҳам жиддий нуқсонлар юз бераётганлиги аниқланди. Бундай камчилик ва қонунбузарликлар бўйича прокуратура идоралари томонидан ҳодимларнинг интизомий жавобгарлигини кўриб чиқиш юзасидан тегишли тақдимномалар киритилди. Шу йилнинг икки ойи ичиде 17 та текшириш ўтказилиб, аниқланган қонун бузилиш ҳолатларини бартараф этиш мақсадида 19 та тақдимнома ва 7 та протест киритилди. Бир қатор ҳодимлар интизомий ва маъмурий жавобгарликка тортилди.

Лекин муҳими табиатни авайлаб сақлашда. Бу ҳар бир ҳодимнинг фаолияти, ҳар бир хатти-ҳаракатнинг асосини ташкил этгандагина биз мақсадга эришамиз.

## 2005 йил – Сиҳат-саломатлик йили



## АҲОЛИГА ҚУЛАЙЛИК ЯРАТИШ ЙЎЛИДА

Мамлакатимизда Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш давлат дастури изчиллик билан амалга оширилмоқда. Жойларда хусусий шифохоналар фаолият кўрсатмоқда. Бўқо туманида ҳам бу борда бир қатор амалий ишларга қўл урилди. — Утган йилнинг октябрдан фаолият кўрсатиб келяпмиз, — дейди тумандаги «Ибн Сино» хусусий шифохона бош шифокори Маъраб Эшназаров. — Мазкур шифохона халқнинг талаби асосида иш бошлади. Бу ерда терапевт, жарроҳлик, лаборатория, диагностика маслаҳатхонаси ишлаб турибди. Айни пайтда 500 дан ортиқ аҳолига тиббий хизмат кўрсатилди. Бу ерда биринчи ёрдам учун барча дори-дармонлар бепул берилди. 20 дан ортиқ даволаниш ўрни мавжуд. Муволажадан сўнг беморнинг шариатидан келиб чиқиб ҳисоб-китоб қилинади. Шифохонада ўндан ортиқ малакали ходимлар хизмат қилимоқда. **СУРАТГА:** хамира Дилра Айматова ўш устида.

С. ЗУФАРОВ (ЎЗА) олган сурат.

## ТАДБИР ДАВОМ ЭТМОҚДА

Табиий офатларнинг олдини олиш борасида амалга оширилаётган доимий ва изчил чора-тадбирлар виллоятда ўзининг яхши самарасини берапти. Хусусан, май-июнь ойларида кўчадагидан тошқин ва кучли селларни деярли бетаалафот ўтказиб юборишга эришилмоқда.

Ўзбекистон Президентининг шу йил 25 февралдаги «Тошқин сувлари, сел оқимларини ўтказиб юбориш ва кўчки ҳодисалари билан боғлиқ фавуллода вазиятларнинг олдини олиш ва уларнинг оқибатларини тўғатиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорига мувофиқ, жумладан, Бўстонлик, Охангарон, Паркент, Пскент туманлари ҳамда Ангрн шаҳри атрофидаги қўрғонларда яшовчи ўттизга яқин ҳўжалик хавфсиз жойларга кўчирилди.

Виллоят ички ишлар бошқармаси томонидан табиий офат юз бериши мумкин бўлган ҳудудларда ўнлаб вақтинчалик кузатув постлари ташкил этилди. «Тошвилтранс» ҳудудий уюшмаси дарё ва сой қирғоқларини мустаҳкамлаш ишларига зарур транспорт воситалари ажратди. Бу ишлардан «Тошкент телеком» очқ акциядорлик жамияти ҳам четда қолгани йўқ. Сув тошиши мумкин бўлган ҳудудларда истиқомат қилувчи аҳоли тезкор алоқа воситалари билан таъминланди. — Бу йилги қиш мавсуми ўта серёгин келиб, фавуллода вазиятлар эҳтимоли кўчгани бизни асло шўшириб қўймади, — дейди виллоят фавуллода вазиятлар бошқармаси бошлигининг ўринбосари, майор Муҳиддин Тинибеков. — Мутасадди ташкилотлар билан яқин ҳамкорликда амалга оширилган изчил тадбирлар тўғрисидаги рўй бериши мумкин бўлган қўлгина кўнгилис ҳодисаларнинг олди олинди. Айни вақтда соҳа мутахассислари ҳушёрлики асло сусайтиргани йўқ. Фавуллода вазиятларга йўл қўймаслик, уларнинг олдини олиш тадбирлари изчил давом этирилмоқда.

ЎЗА.

## «ЁШ ЮЛДУЗЛАР — 2005»

«Меҳржон» хайрия кенгаши ташаббуси билан пойтахтдаги Мирзо Улуғбек номидаги истироҳат боғида расом болаларнинг «Ёш юлдузлар — 2005» кўргазмали танлови бўлиб ўтди. Унда виллотимиз ҳамда Тошкент шаҳридаги меҳрибонлик уйлари тарбияланувчилари ва мактаб-интернат ўқувчилари ўзларининг ижод намуналари билан иштирок этдилар. Кўргазмада голибларга турли совғалар топширилди. **Лобар ИСМОИЛОВА,** талаба.

**«Тошкент отчопари» ОАЖ акциядорлари диққатига!**  
2005 йил 22 июнь кунини соат 10.00 да «Тошкент отчопари» ОАЖ акциядорларининг навбатдан ташқари умумий мажлиси ўтказилади.  
Манзил: Тошкент ш., Халқлар дўстлиги кўчаси, 156-уй.  
Рўйхатга олиш 9.00 дан бошланади.  
**Кун тартиби:**  
1. «Тошкент отчопари» ОАЖ Қузатув кенгашининг 2004 йилги фаолияти юзасидан кенгаш раисининг ҳисоботи.  
2. Жамиятнинг 2005 йил фаолияти (таҳлил қилиш) учун аудиторни ва кўрсатиладиган хизмат микдорини тасдиқлаш.  
3. Қузатув кенгаши аъзолигига сайланадиган номзодлар ҳақида маълумот.  
**Маълумот учун телефон:** 79-49-29.  
**Қузатув кенгаши.**

## ИШБИЛАРМОНЛАРИНИНГ ДОИМИЙ КЎРГАЗМАСИ

Ўртачирчиқ туман ҳўқимлиги биносида маҳаллий товар ишлаб чиқарувчиларнинг доимий кўргазмаси намоиш этилмоқда. Савдо-саннат палатасининг виллоят бошқармаси туман ҳўқимлиги билан ҳамкорликда ташкил этган мазкур кўргазма залига етмишдан ортиқ тадбиркор, фермер ва миллий хўнарандлар фаолияти ҳақида маълумотлар ҳамда улар ишлаб чиқараётган маҳсулотлардан намуналар қўйилди.

Бу эса тадбиркорларнинг рекламага бўлган эътибонини маълум маънода қондириши, маҳсулот реализациясини янада жонлантиришга хизмат қилмоқда. Маълумки, утган йили Вазирлар Маҳкамасининг тегишли қарори билан мамлакатимизда Савдо-саннат палатаси ва унинг жойларда бошқармалари ташкил этилди. Мазкур палатга ҳозиргача ички юздан зиёд ўртачирчиқлик тадбиркор аъзо бўлиб кирди. Палата ўз навбатида бу тадбиркорлик субъектларига ҳуқуқий маслаҳатлар бериб, уларнинг ўз ҳуқуқ ва имкониётларидан янада кенроқ фойдаланишларига қўмақлашмоқда. — Палатамиз аъзоси «Тошбувиҳожин она» фермер бунёдчилигининг тижорат банкдан нақд пул ололмаётгани, «Темур бизнес» хусусий фирмаси раҳбарининг солиқ идоралари томонидан ўтказилган текшириш натижаларидан нозирлиги, «Комфорт» фирмаси эса қайта ташкил этилиши муносабати билан банкка нақд пул топшириш касса режасини вақтинча пасайтириш имтиёзидан фойдаланиш ҳақида қилган мурожаатлари ўрганиб чиқилиб, тегишли ташкилотлар билан бирга ижобий ҳал этилди, — дейди

